# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 23 март, № 57 (6492) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЭНГ СЕВИМЛИ, ЭНГ ГЎЗАЛ БАҲОР БАЙРАМИ




*Наврўз — халқимизга хос эзгу қадриятларни ўзида мужассам этган, энг севимли ва асл миллий байрамимиз. Шу боис уни илҳақлик билан кутамиз, катта қувонч ҳамда хурсандчиликда нишонлаймиз. Зеро, Президентимиз Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, айни шу файзли, шодиёна дамларда юртимиз гўшаларида, қир-адирлар, боғу роғларда юртдошларимиз сумалак ва ҳалим, кўксомса ҳамда гўжа каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, ушбу баҳор неъматларини ўз оиласи, яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.*

## АЙЁМ ҚУВОНЧИ

Дарҳақиқат, шу кунларда ҳар бир қишлоқ, туман, шаҳар ва вилоятда халқ сайиллари ўтказилмоқда, кексаю ёш яхши ниятларни дилига тугиб, бири-бирини қутлаяпти. Жумладан, Нукус шаҳридаги амфитеатрда уюштирилган тадбирда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов йиғилганларни айём билан табриклади.

Айтиб ўтилганидек, жорий йилда ҳам шаҳар ва қишлоқларда кенг кўламли бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари қизғин давом эттирилаётир. Хусусан, Нукус темир йўл вокзалини капитал таъмирлаш, кўп қаватли тураржойларни бунёд этиш, "Аччиққўл" сув ҳавзаси ҳудудида замонавий дам олиш объектларини ташкил қилиш, транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, болалар спорти объектлари, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий иншоотлар қурилиши режалаштирилган.

"Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!" деб номланган театрлаштирилган томошаларда янграган ашулалар барчага кўтаринки кайфият бахш этди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри актёрлари ижросидаги бадиий дастур йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Байрам томошалари, сайиллар Оролбўйининг барча шаҳар ва туманида бўлиб ўтмоқда.

Андижон вилоятида Наврўз арафасида янги уй-жойлар, ижтимоий соҳа бинолари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Анъанага мувофиқ, бу сафар умумий қиймати қарийб 32 миллиард 176 миллион сўмга тенг 62 та объект фойдаланишга топширилди.

(Давоми 4-бетда).







## ЭЪТИРОФ

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналарнинг дипломатия корпуси вакилларидан иборат фахрий меҳмонлари "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирларига ушбу айём ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини сўзлаб беришди.*

# Наврўз умумхалқ байрами Тошкентдаги дипломатия корпуси вакиллари нигоҳида

**Юрий ШТЕРК,**
**Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари:**

— Табиат уйғониши рамзи бўлган мазкур ажойиб ва гўзал байрамда катта мамнуният билан иштирок этдим. Наврўз дунёнинг қатор мамлакатларида нишонланади, бироқ у айнан Ўзбекистонда алоҳида, кенг қамровли шодиёна сифатида қарши олинади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларга фаровонлик ва ободлик ёр бўлишини тилайман.

**Найтхарт ХЁФЕР-ВИССИНГ,**
**Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Мен Наврўз айёмига бағишланган байрам тадбирида ҳамиша иштирок этаман. Бу ўзбек халқи маданияти билан бевосита ошно бўлиш, республиканинг турли минтақаларидаги урф-одатлар билан яқиндан танишиш ва бетакрор куй-қўшиқлардан баҳра олиш учун ўзига хос ажойиб имкониятдир. Мамлакатингизда фаолият юритар эканман, Наврўз ўзбекистонликлар учун фақатгина баҳор кириб келиши байрами эмас, балки у халқнинг кўп асрлик миллий қадрият ҳамда урф-одатларига нисбатан ҳурмати ва муҳаббатининг ифодаси эканлигини англадим.

Дунёнинг кўпгина ҳудудларида беқарор вазият ҳукм суриб турган, низо ва қарама-қаршиликлар давом этаётган бир шароитда Ўзбекистон тинчлик ҳамда осойишталик муҳитида ушбу баҳор шодиёнасини нишонламоқда. Бу мамлакат раҳбарияти томонидан юритилаётган оқилона сиёсатнинг натижасидир. Ўзбекистон ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларига асосланган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошира бориб, халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди.

**Риккардо МАНАРА,**
**Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Наврўз йилнинг энг муҳим байрамларидан бири. У табиат уйғониши рамзи ҳисобланади. Бу айём ўзбек халқининг тарихи ва маданиятини ўзида мужассам этган. Мен ўзбекистонликларга ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдираман.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, республика иқтисодиёти изчил ўсиб, ривожланмоқда. Автомобилсозлик тармоғи бунга мисол бўладиган соҳалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги муносабатларнинг изчил равнақ топаётганини алоҳида қайд этишни истар эдим. Жумладан, мамлакатимиз ташқи ишлар вазирининг ўтган йил ноябрь ойида Тошкентга ташрифи бунинг тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

## КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу йил май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов бўлиб ўтади.*

*ЎзА мухбири "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Жовдатхон ИНОҒОМОВ билан ушбу сайловнинг маҳаллалар, умуман, жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти, уни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳақида суҳбатлашди.*

# МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁН

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг миллий анъана ва қадриятлари асрлар оша яшаб келаётган маҳаллаларнинг нуфузи қайта тикланди, — дейди Ж. Иноғомов. — Ўзига хос "демократия дарсхонаси" бўлган бу институт фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида бу тизимнинг нафақат маънавий, балки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ўрни мустаҳкамланди. Илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажарган 30 дан ортиқ вазифа ижроси бугун маҳаллалар зиммасида. Шу боис фуқаролар йиғинлари аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини ҳал этувчи, халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи органга айланди.

Бу жараёнда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари фаолияти муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Конституциямизнинг 105-моддасига мувофиқ, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказиб келинмоқда. Мазкур сайлов жараёни ҳам юртимизда шаклланган демократик сайлов тизимининг узвий бир қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид белгиланган устувор вазифалар маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, соҳага оид ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди. Фуқаролар йиғинларининг вазифалари кўлами кенгайтирилди.

Мазкур Қонунда белгиланган меъёрларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани натижасида маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланаётир. Уларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришдаги роли ошмоқда.

(Давоми 3-бетда).

# Илғор ишбилармонлар аниқланмоқда

Аввал хабар қилинганидек, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус — 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичлари давом этмоқда. Бу тадбирларда йил якунларига кўра, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва хўжалик юритишнинг бошқа соҳаларида юқори натижаларга эришган, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган илғор ишбилармонлар сараланмоқда.

## «ТАШАББУС — 2016»

**АНДИЖОН.** Бу ерда ташкил этилган кўрик-танловда илғор, ташаббускор ва салоҳиятли ҳамюртларимиз қатнашди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари, қурилиш ашёлари, спорт буюмлари, замонавий кийим-кечак ва пойабзаллар, айниқса, кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Кўрик-танлов якуни бўйича Андижон шаҳридаги "Eko comfort elegant" масъулияти чекланган жамияти раиси Абдулҳамид Исломов "Энг яхши тадбиркор", Шаҳрихон туманидаги "Иномжон файз" фермер хўжалиги раҳбари Одинахон Отахонова "Энг яхши фермер", Пахтаобод туманилик Муҳаммадиброҳим Юсупов "Энг яхши ҳунарманд" сифатида эътироф этилди.

(Давоми 3-бетда).

# Асл миллий ва бебаҳо қадрият

Янгиланиш ва яшариш, шоду хуррамлик рамзи бўлган, покиза дилларни, эзгу ҳамда гўзал анъаналарни ўзида мужассамлаштирган Наврўз айёми мамлакатимизда кўтаринки руҳда кенг нишонланмоқда. Фусункор табиат бағрида, баҳор таомлари тортилган дастурхон атрофида тўпланган юртдошларимизнинг бугунги кунга шукроналик, бунёдкорлик ишларига камарбасталик, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётганликларини уларнинг мамнун қиёфаларидан яққол англаш мумкин.

Бинобарин, Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида қайд этилганидек, Наврўзи олам барчамиз учун неча минг йиллик тарихга эга, илдизлари "Авесто" даврида пайдо бўлган, қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан йироқ, кеча ва кундуз тенг келадиган шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиатига, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетган энг севимли, энг гўзал баҳор байрамидир.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг миллий анъаналари, урф-одатлари қайта тикланди. Айниқса, эзгулик, яхшилик, меҳр-мурувват, яратувчанлик туйғулари мужассам бўлган Наврўз айёмини муносиб кутлашга кенг имкон яратилди.

(Давоми 2-бетда).

## МУНОСАБАТ

# Тинчлик ва фаровонлик тимсоли

Бебаҳо қадриятларимизни ўзида уйғунлаштирган, онгу шууримизга эзгулик, янгиланиш айёми сифатида муҳрланган Наврўз шукуҳи юртимиз бўйлаб кезмоқда. Барчамизнинг қалбимизда шундай осуда ва фаровон ҳаётдан шукроналик, чексиз мамнуният, қувонч ҳамда ғурур ҳисси ҳукмрон. Баҳорнинг илиқ тафтида бутун борлиқ ўз малоҳатини намоён қила бошлаши билан ободонлаштиришу кўкаламзорлаштириш юмушларига киришиб кетган халқимиз Наврўзи оламни зўр тадорик ила кутиб олди. Кўклам нафасидан яшнаган шаҳар ва қишлоқларимизда Наврўз шодиёналари, сайил-томошалар қизғин давом этмоқда. Беморлар, кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга байрам совғалари улашиш ва бошқа хайрия тадбирлари жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик чуқур илдиз отганини кўрсатади. Дарҳақиқат, неча минг йиллик тарихга эга Наврўз элу юртимизнинг севимли айёмидир.

Яна бир ҳақиқат борки, бу ҳам бўлса, тинчлик, ободлик, фаровонлик бор жойда мана шундай файзу барака, шоду хуррамлик бардавомдир, каттаю кичикни эзгу ният ва эзгу амаллар бирлаштириб туради.

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан пойтахтимизда ўтказилган тантана ва айниқса, давлатимиз раҳбарининг ушбу маросимдаги табрик сўзи барчамизга янада кўтаринкилик бахш этди.

(Давоми 2-бетда).

# Наврўз умумхалқ байрами Тошкентдаги дипломатия корпуси вакиллари нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Эдгарс БОНДАРС, Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Наврўз байрами муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда учинчи маротаба қатнашаётганим мен учун катта шарафдир. Бу айём, том маънода, умумхалқ байрами эканлигини ҳар йили чуқур ҳис этаман. Наврўз нафақат табиат уйғониши ва одамлар қалбидаги янгиланишлар, балки мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида янги ташаббуслар рамзи ҳамдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига туганмас бахту иқбол, фаровонлик, тараққиёт ҳамда ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

**Петер САНТО, Венгриянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Мен яқиндагина ўз миссиямни бажаришга киришган бўлсам-да, юртингизни жуда ёқтириб қолганимни айтишни истар эдим. Ўзбек халқи ўзининг дўстона самимияти ва меҳмондўстлиги билан ажралиб туради.

Наврўз байрамига бағишланган тантаналарни биринчи маротаба кузатар эканман, ушбу тадбирнинг маҳобати ҳамда гўзаллиги, миллий либосларнинг ноёблиги, маросим иштирокчиларининг кўзларида акс этган самимийликдан қаттиқ таъсирландим. Ўзбекистонда Наврўз сингари ажойиб байрам, миллий анъана ва урф-одатлар шу қадар юқори даражада асраб-авайланаётгани, улар янада бойитилаётгани билан яқиндан танишиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини алоҳида қизиқиш билан тингладим. Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар, гина ҳамда аразлар унутилиб, одамлар, миллат ва элатлар ўртасида оқибат, мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучайиши ҳақидаги фикрлар диққатга сазовордир. Меҳр-муҳаббат, бағрикенглик ҳамда олийҳимматлилик фазилатлари барча миллат ва халқ учун янада яқин бўлиб бормоқда.

Шундай гўзал ҳамда муҳим байрам гувоҳига айланганимдан мамнунман. Шу боис ўзбекистонликларни мазкур айём билан табриклаб, уларга муваффақиятлар, мустаҳкам соғлиқ ва албатта, хушкайфият тилайман.

**Фумихико КАТО, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Наврўз инсонпарварлик руҳи билан тўлиб-тошган. У дўстлик, ҳамжиҳатлик, маънавий комиллик, анъаналарга содиқлик сингари умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган. Айнан шунинг учун ҳам у кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қалбларида ўз ифодасини топган. Мамлакат халқи Наврўзни интиқиб кутади ва уни катта завқ-шавқ билан нишонлайди.

Ушбу байрам муносабати билан ўтказилган тантанада иштирок этиш мен учун шарафдир. Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги самимиятга йўғрилган табрик сўзи менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон раҳбарининг ўзбек халқига, энг аввало, тинчлик ва омонлик керак, деб айтган сўзлари бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган беқарорлик вазиятида жуда долзарб аҳамиятга эгадир.

**Сунь ЛИЦЗЕ, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ассалому алайкум. Бу ажойиб байрам тантаналарида бир неча маротаба иштирок этмоқдаман. Наврўз хотиржамлик, эзгулик ва тинчлик, бахтли ҳаёт ҳамда баҳор кириб келиши рамзидир. Ўзбекистоннинг ноз-неъматларга бой заминида яшаётганларнинг барчаси Наврўзни хушкайфият ва катта завқу шавқ билан кутиб олади.

Мамлакатингизда бўлгани сингари Хитойда ҳам худди шунга ўхшаш баҳор байрами кенг нишонланади. Бу тантанада қатнашиш менга катта мамнуният бағишлайди. Ўзбек халқини ажойиб айём — Наврўз билан самимий муборакбод этишни, унга янада катта фаровонлик, бахту иқбол ва фароғат тилашни истар эдим. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий айтганидек, "Ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!"

**Владимир ТЮРДЕНЕВ, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Мен бу ажойиб байрамда бир неча бор қатнашганман. Ўзбеклар ва дунёнинг бошқа халқлари ўртасида нишонланадиган ушбу айёмнинг келиб чиқиши асрларга бориб туташади. Ўзбекистонда эзгу анъаналарни бойитишга, бой тарихий ҳамда маданий меросни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1990 йилдаёқ республика Президенти 21 март — Наврўз айёмини умумхалқ байрами, деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармонни имзолагани бу фикрнинг тасдиғидир. Шундан буён Наврўз мунтазам равишда кенг миқёсда қарши олинмоқда. Бу тантана — кўклам айёми, табиат уйғониши, тун ва кун тенглигининг рамзи бўлган Наврўзи олам киши қалбида чуқур ҳис-туйғуларни уйғотади.

Театрлаштирилган саҳна чиқишлари ҳамиша ажойиб тарзда ташкил этилади. Биз ҳар сафар янги ва қизиқарли концерт дастурларини кутамиз ҳамда кутганларимиз ҳамиша рўёбга чиқади. Шуниси қувонарлики, тантаналарда борган сари ёшлар кўпроқ иштирок этаяпти. Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган сиёсатга катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда давлат раҳбари раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтгани ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин тасдиғидир. Бундай ёндашув жуда узоқни кўзлаган сиёсат юритилаётганини билдиради, чунки навқирон авлод ҳар қандай мамлакатнинг келажагидир.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини Наврўзи олам билан табриклайман, мамлакат аҳолисига бахт-саодат, фаровонлик тилаб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

**Риаз Ҳуссайин БУХАРИ, Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Покистон халқи номидан Ўзбекистон аҳолисини баҳор айёми — Наврўз байрами билан самимий муборакбод этаман. Ўзбекистонликларга тинчлик-хотиржамлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Шу кунларда бутун Ўзбекистон бўйлаб ўтаётган байрам тантаналари давлатнинг бирдамлигидан, бу табаррук заминда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкам эканлигидан далолат беради.

Бу шодиёна Ўзбекистон аҳолиси учун орзиқиб кутиладиган сана ҳисобланади. Чунки Наврўз янгиланиш ҳамда баҳорий уйғониш рамзидир. Бугун ушбу майдонда туриб, Наврўзнинг қудрати ва руҳини яна бир карра чуқур ҳис қилдим. У сўзда эмас, балки амалда халқларни бирлаштиради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан кейин ҳам изчил ривожланиши ва мустаҳкамланишига ишончим комил.

**Анак САНТИКА, Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Мен Индонезиянинг элчиси сифатида гўзал Наврўз байрами муносабати билан мана шундай ажойиб тантанада иккинчи маротаба иштирок этишга муяссар бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига ва раҳбариятига ўзимнинг энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, бугунги кунда мамлакатингиз иқтисодиёт тармоқларида ва бошқа соҳаларда улкан натижаларни намойиш этмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида муносабатларни янада чуқурлаштириш, жумладан, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш юзасидан катта салоҳият мавжуд эканлигини таъкидлашни истар эдим.

Халқларимиз ўртасида янада яқин алоқаларнинг ўрнатилиши мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир.

**Насер БУШЕРИТ, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Кун ва тун тенг бўладиган санада нишонланадиган баҳор айёми — Наврўз байрами қиш интиҳоси ва баҳор кириб келиши, табиат янгиланиши ҳамда бутун тирик мавжудот уйғониши рамзидир. Миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, бу табаррук заминда яшайдиган ҳар бир инсон Наврўзни энг ёрқин сана сифатида кўтаринки кайфият билан қарши олади.

Шуни айтиш ўринлики, Наврўз кунлари турли миллат вакиллари ўртасидаги тинч-осойишта ҳаёт, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик янада кўпроқ қадрланади ҳамда улуғланади. Шу боис ушбу табаррук заминдаги барқарорлик бундан кейин ҳам фақат мустаҳкамланажагига умид билдираман.

Ўзбек халқини Наврўз байрами билан қутлаш, ўзимнинг чуқур ҳурматимни ва энг эзгу тилакларимни изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

**Зулкифли ибн БАХАРУДДИН, Сингапур Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Сингапур шаҳрида):**

— Ўзбек халқи билан бирга ушбу тантаналарда яна қатнашаётганим ва баҳорнинг кириб келишини нишонлаётганим менга катта мамнуният бағишлайди. Наврўз фақат табиат уйғониши ҳамда гўзаллик байрамигина эмас, балки ўзбек халқининг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, янги мазмун-моҳият билан бойиб бораётган беқиёс маданияти ва анъаналарининг бир қисмидир.

Бу ажойиб кунда одамлар бир-бирларига алоҳида ҳурмат ва мурувват кўрсатишади, хасталар ҳамда ёрдамга муҳтож кишилар қўллаб-қувватланади. Наврўзнинг яна бир бетакрор, ўзига хос жиҳати шундаки, у ҳар бир мамлакатда, бутун дунёда тинчлик ҳамда хотиржамликни сақлашга даъват этади. Қадим замонлардаёқ Наврўз айёми кунлари гина ва аразлар унутилган, низо ҳамда урушлар тўхтатилган.

Бугунги тантанада иштирок этар эканман, ўзбек маданияти гўзал ва ноёб эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Бу ерда намойиш этилган ашула ва рақслар, меҳмонларга таклиф қилинган миллий таомлар — сомса, турли қуруқ мевалар ҳамда ширинликлар ва албатта, сумалак узоқ вақт хотирамизда қолади.

**Эдуардо МЕНЬЕЗ, Филиппин Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Манила шаҳрида):**

— Наврўз байрамида илк бор иштирок этдим. Ушбу тантана менда унутилмас таассурот қолдирди. Филиппин халқи ҳам баҳорнинг кириб келишини кенг нишонлайди. Бироқ Ўзбекистонда, ўзим амин бўлганимдек, бу айём ўзгача муҳит ва катта миқёсда байрам қилинар экан.

Дарҳақиқат, қайси миллат ва элат вакили бўлишидан қатъи назар, Наврўз барча ўзбекистонликларнинг севимли байрами бўлиб, у тинчлик ва ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушунишнинг рамзи ҳисобланади. Бу жиҳат намойиш этилган концерт дастурида ҳам ўз ифодасини топди. Турли тилларда ижро қилинган ашулалар мамлакатда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, инсоний қадриятларни намоён қилгани баробарида, Ўзбекистондаги эркинлик ва тинчликни, халқлар дўстлигини, баҳор ҳамда муҳаббатни тараннум этди.

Шуниси қувонарлики, ўзбекистонликлар ушбу қутлуғ байрамни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда эришилган улкан муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Республика, шубҳасиз, янги чўққиларни забт қилгани ҳолда, ўзи танлаган йўлдан олдинга томон ҳаракатланишда давом этади.

**Лэсли ВИГУРИ, Америка Қўшма Штатлари дипломатия миссияси раҳбарининг ўринбосари:**

— АҚШнинг Ўзбекистондаги дипломатия ваколатхонаси номидан Ўзбекистон халқини гўзал Наврўз байрами билан табриклашга ижозат берсангиз. Бугун бу ерда бўлаётган мана шундай ажойиб тантанада иштирок этганимдан жуда мамнунман.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатлар қатор йўналишларни, жумладан, савдо, илм-фан, инновация технологиялари ва бошқа соҳаларни қамраб олаётганини таъкидлашни истар эдим.

**Епископ Ежи МАЦУЛЕВИЧ, Ўзбекистондаги рим-католик маъмуриятининг маслаҳатчиси:**

— Ўзбекистон халқини чин дилимдан ажойиб айём — Наврўз билан қутлаш ва ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдириш менга улкан қувонч бағишлайди.

Ўзбекистон халқи табиат уйғониши ва шарқона янги йилнинг бошланишини ўзида мужассам этган энг севимли байрамларидан бирини нишонламоқда. Маълумки, Наврўзнинг келиб чиқиши инсоният тарихида ёзув кашф этилгунга қадар бўлган ўтмиш даврига бориб тақалади.

Бу байрамнинг ўрни ва аҳамияти фақат инсон ва табиат уйғунлигида сезилибгина қолмай, жамиятда инсонпарварлик, эзгулик ҳамда меҳр-шафқат, яхши қўшничилик ва бағрикенглик, ёш авлодни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам ўз тасдиғини топаётганида кўринади.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар вакиллари ўзаро дўстлик, тинчлик ва фаровонликда яшамоқда, мамлакатда ҳамжиҳатлик ҳамда миллатлараро тотувлик ҳукм сураяпти.

**«Жаҳон» АА.**

# Асл миллий ва бебаҳо қадрият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мана неча йилдирки, унинг ўлмас ғоялари, руҳи ва фалсафаси, жамиятда аҳиллик ҳамда бирдамлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти юксак тараннум этиб келинмоқда.

Фахр билан айтиш мумкинки, бугун олий қадрият ҳисобланган Наврўз яхши қўшничилик, ҳамкорлик, маданиятлараро мулоқотни рағбатлантиришга ҳам хизмат қилаётир. Қолаверса, мамлакатимизда миллий урф-одатлар ва анъаналарни эъзозлашга барча зарур шарт-шароит мавжуд экани, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётганлигининг ёрқин ифодасидир. Зеро, фақат ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятидагина демократик ҳамда миллий қадриятлар ҳаётга изчил ва тўла-тўкис татбиқ этилади.

Шу нуқтаи назардан айтганда, халқимиз учун муқаддас бўлган қадриятларимиз ва юксак маънавиятимизни асраб-авайлаш, уни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар бугун Ўзбекистон эришаётган, дунё жамоатчилиги тан олган ютуқ ҳамда марраларда, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга юксалиб, жаҳон ҳамжамиятида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётганида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу, шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларни миллий анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда ҳам ўз ифодасини топаётгани эътиборга моликдир. Зотан, олижаноблик, бағрикенглик, одамийлик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дуосини олиш каби савоб ишларни бажариш халқимизга хос жиҳатлар ҳисобланади.

Умуман айтганда, буларнинг барчаси Наврўзнинг ажралмас қисмидир. Шу боис, халқимизнинг эзгу амалларини рўёбга чиқариш, миллий ва маънавий қадриятларни, юртимизнинг тарихий ҳамда маданий бойлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга оид хайрли мақсадларни янада қўллаб-қувватлаш, шак-шубҳасиз, ҳар бир инсон қалбида эртанги кунга ишонч туйғуларини мустаҳкамлаши билан бир қаторда, уларни бунёдкорлик, яратувчанлик ишларида фаол қатнашишга ундайди.

**Элдор ТУЛЯКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Тинчлик ва фаровонлик тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда, жумладан, шундай дейилади: "Ишончим комил, агарки, шу кунларда кўпни кўрган, қанча-қанча синовларни бошидан кечирган, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагининг тўрида сақлаб келадиган, меҳр-оқибатли халқимиздан, шарқона янги йил кириб келиши арафасида туриб, янги йилда сизнинг энг эзгу ниятларингиз нималардан иборат, деб сўраса, халқимиз, ҳеч иккиланмасдан, бизга тинчлик ва омонлик керак, деб жавоб бериши муқаррар".

Маълумки, Ўзбекистон ўзининг тинчликпарвар сиёсати билан жаҳон майдонида юксак мавқега эга бўлиб бормоқда. Айнан тинчлик мустақил юртимиз тараққиётининг асоси, барча соҳадаги ўсиш ва ривожланиш пойдеворидир. Осмонимиз мусаффо, тонгларимиз осуда, кўнглимизда ҳаловат, турмушимизда хотиржамлик бор экан, бунёдкорлик, янгиланиш давом этаверади, айём қувончи, ободлик дилларга кўчади.

Биз, парламент аъзолари айни кунларда жойларда бўлиб ўтаётган байрам тадбирларида аҳоли, биринчи навбатда, ёшларимизга бугунги фаровон турмушимизнинг, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасидаги туб ўзгаришларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятига урғу бермоқдамиз. Бинобарин, ёшлари доно, билимли, кучли ҳамда бахтли, кексалари эса эҳтиром оғушида яшаётган тинч ва осойишта юртнинг ҳар куни Наврўздир.

**Шоҳида АРИПОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

КЎРГАЗМА

# «Таълим ва мутахассислик»

*Қарши шаҳрида вилоят ҳокимлиги, халқ таълими ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Таълим ва мутахассислик" кўргазмасини ташкил этди.*

Умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирга ўқувчилар ҳамда ота-оналар таклиф қилинди. Қарши шаҳридаги академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларининг мутахассислик йўналишлари ва яратилган шарт-шароитлар тўғрисида иштирокчиларга атрофлича маълумот берилди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятда 7 та академик лицей ва 137 та касб-ҳунар коллежи мавжуд бўлиб, уларда 130 дан зиёд мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланаяпти. Жорий йилда ҳудуддаги умумтаълим мактабларини 52090 нафар ўқувчи битиради.

— Бундай кўргазма барча туманда ташкил этилаяпти, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Нормуҳаммедов. — Бу эса ҳар бир мактаб битирувчисининг ўзи қизиққан йўналиш бўйича етарли ахборотга эга бўлишига катта кўмак беради.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ватанга садоқат намунаси

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, яқиндагина чақирув ёшига етган йигитлар муддатли ҳарбий хизматга кузатилган эди.

ФАХР

Аскарлик либосини кийиб, бошланғич ҳарбий ҳамда умумқўшин тайёргарлик машғулотларида армия ҳақида муайян тасаввурга эга бўлган, ўзига билдирилган ишончни чуқур ҳис этган ана шу мард ўғлонлар куни кеча ҳарбий қасамёд қабул қилишди.

Шу муносабат билан жойларда ўтказилган тантанали маросимларда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, ҳарбий хизматчилар ҳамда ота-оналар қатнашди.

Тадбирларда таъкидланганидек, ўтган даврда қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда профессионал тайёргарликка эга бўлган, мамлакатимиз хавфсизлиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир миллий армия барпо этилди. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларига мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, юртимиздаги замонавий лицей ва коллежларда таълим-тарбия олган, ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тилларни пухта биладиган, энг асосийси, ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга ёшлар кириб келаяпти. Улар халқимизнинг ишончи ҳамда таянчидир.

Пойтахтимиздаги "Ватанга қасамёд" монументи олдида ташкил этилган ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Айтиш жоизки, ушбу монумент юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга бел боғлаган фидойи ўғлонларимиз шарафига қўйилган обидадир.

— Миллий армиямизда хизмат қилиш — ҳар бир йигитнинг орзуси, — дейди пойтахтимиздаги ҳарбий қисмлардан бирида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар Шоҳжаҳон Қосимов. — Мен ана шу ниятимга эришганимдан фахрланаман. Бугун мана бу улуғвор, ўзида чуқур маънони ифода этган мажмуа олдида ҳарбий қасамёд қабул қилганим эса ҳаётимдаги энг унутилмас кунлардан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз. Аҳдимда қатъий туриб, жонажон Ўзбекистонимизга чин юракдан хизмат қиламан.

Ғурур, садоқат ва ориятни энг олий қадрият, деб биладиган халқимиз учун бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ор-номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ҳамда шарафли бурчни адо этишга бел боғлаш, аҳд-паймон қилиш маросимидир.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округда ўтказилган тадбирда ҳам ана шу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Ўғлим Муҳриддинжон бир гуруҳ сафдошлари қаторида ҳарбий қасамёд қабул қилганини кўриб беҳад қувондим, — дейди тантанали маросимга Марғилон шаҳридан келган Муҳайё Мусаева.— Ўз навбатида, командирлари у ҳақда илиқ фикрлар билдирди. Бундан ғурурланиб кетдим. Бу — ота-она учун энг катта бахт. Ҳарбий қисмда фарзандларимиз учун яратилган шароитлар билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик. Ҳаммаси рисоладагидек. Кенг ва шинам хоналар, ошхоналар. Таомларнинг тўйимлилиги, мазалилигини айтмайсизми!? Бунинг учун давлатимиздан миннатдормиз.

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманилик Абдуҳамид Дадахонов оила аъзолари билан ўғли Баҳодирнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимида иштирок этиш учун Фарғонага борди.



— Юртимизда Наврўз байрами шукуҳи кезиб юрибди, — дейди у. — Тўю тантаналар қизғин давом этаяпти, одамлар хурсандчилик қилиб, бир-бирларини шарқона янги йил билан қутлашмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикдан. Шундай дориламон кунларда боламни бағримга босиб, табрикладим. Баҳодир бокс бўйича республика чемпионатида икки бор ғолиб чиққан. Аъло баҳоларга ўқиган. Муддатли ҳарбий хизматни ҳам юқори даражада ўтаб, зиммасидаги масъулиятни муносиб даражада адо этишига ишонаман. Маросим байрамона тарзда ташкил қилинибди. Жуда хурсанд бўлдик. Фарзандимга, унинг сафдошларига мусаффо осмонимизни асраб-авайлаш йўлида куч-қувват, мустаҳкам соғлиқ тиладик.

Аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган маросимлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам катта тантана билан ўтказилди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

*— Қонунчиликда фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланиши зарурлиги белгиланган. Бу қоиданинг амалда таъминланиши учун қандай шарт-шароит яратилмоқда?*

— "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида қайд этилганидек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки тадбиркорлик ва бошқа хўжалик соҳасида иш тажрибасига, ҳаётий тажрибага ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Фуқаролар йиғини раиси масъулиятли лавозим бўлиб, у маҳалла органларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари ижросини ташкил этиши, давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фуқаролар йиғини номидан иш олиб бориши ҳамда унинг манфаатларини ифодалаши зарур. Бундай масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифа эгаси ўзининг ташкилотчилиги, хулқ-атвори, билими, ижтимоий фаоллиги билан ажралиб туриши, эл орасида ҳурмат қозонган бўлмоғи даркор.

Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини самарали ташкил этиш фуқаролар йиғинлари вазифалари сирасига киради. Унинг ижросини таъминлаш, бу борадаги комиссиялар ишини фаоллаштириш, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб этиш сайланадиган ҳар бир йиғин раисидан, унинг маслаҳатчиларидан юксак маҳорат, ташаббускорликни талаб этади.

Бу галги сайлов жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари янада ривожланган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади. Унда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 мингдан зиёд маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

*— Сенат Кенгашининг қарорига асосан жойларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилди. Улар қандай чора-тадбирларни амалга ошириши лозим?*

— Мазкур комиссиялар Қонунга мувофиқ ҳамда Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланган "2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси"да белгиланган тадбирлар асосида фаолият юритади. Улар қуйи турувчи комиссияларга ва ишчи гуруҳларга услубий-амалий ёрдам кўрсатади.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичларида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида сайловни ёритишга масъул бўлган ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар ҳақида оммавий ахборот воситаларида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

Қуйи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар аъзолари учун сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларни амалга ошириш масалалари бўйича семинарлар ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадбирларга етарли билим ва тажрибага эга бўлган, сайлов қонунчилиги талабларини яхши биладиган ва тўғри тушунадиган малакали мутахассислар жалб этилади.

*— Бўлажак сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий ҳокимликлар, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳаллий кенгашлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Сайловни ташкил этиш бўйича тегишли шарт-шароитлар яратишда, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларга зарур услубий-амалий ёрдам кўрсатишда, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг энг муносиб фуқаролар орасидан сайланишини таъминлашда улар қандай чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим?*

— Албатта, бўлажак сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий ҳокимликлар, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳаллий кенгашлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Қонунчилигимизда давлат органлари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашишлари, зарур ҳолларда эса уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган.

Айни пайтда сайловни ўтказиш учун қулай жойлар (мактаб, коллеж, маҳалла бинолари кабилар)ни белгилаш, уларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда сайлов куни тиббий хизматларни ташкил этиш, биноларни жиҳозлаш, яширин овоз бериш учун кабиналар, урналарни ҳамда бюллетенларни тайёрлаш кабилар бўйича зарур шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

*— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ташкил этиладиган ишчи гуруҳлар бўлажак сайловда нималарга эътибор қаратиши ва қандай чора-тадбирларни амалга ошириши керак?*

— "2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси"нинг 10-бандида жорий йилнинг 1 апрелига қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилиши белгиланган.

Сайловни самарали ташкил этиш ва ўтказиш кўп жиҳатдан ишчи гуруҳлар фаолиятига боғлиқ. Чунки айнан ишчи гуруҳ сайловни ташкил этиш ва ўтказишда аҳолига энг яқин ташкилий тузилма сифатида фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларнинг ўтказилишини таъминлайди. Сайловда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда кўрсатади.

Ишчи гуруҳларни тузишда уларнинг 2,5 йил муддатга, яъни навбатдаги сайлов эълон қилингунга қадар фаолият кўрсатишини инобатга олган ҳолда, унинг таркибига ҳар томонлама муносиб, ташаббускор ва обрўли кишиларни киритишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Миллий қонунчилигимизда ишчи гуруҳ таркибига фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутати киритилиши белгиланган.

Ишчи гуруҳ таркибига фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, йиғиннинг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари киритилиши мумкин эмас.

Ишчи гуруҳлар сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради. Тегишли кўмаклашувчи комиссия белгилаган вакиллик нормасидан келиб чиқиб, ҳудуддаги ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари сайловини ташкил этади. Бу жараёнда ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинади. Шу тариқа фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳар томонлама муносиб номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Ишчи гуруҳлар ўз фаолиятида фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига қонунчиликда белгиланган талаблар ҳамда муқобиллик принципини инобатга олган ҳолда энг муносиб номзодларнинг сайланишини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг маслаҳатчилари ҳам ушбу принцип асосида ҳар томонлама муносиб шахслар орасидан сайланишига эътибор қаратиши зарур.

Сайловда фуқаролар йиғини маслаҳатчилари лавозимига сайланадиган номзоднинг келгусида йиғин фаолиятининг йўналишлари бўйича тузиладиган комиссияларга, "Ота-оналар университети"га раҳбарлик қилишини инобатга олиш ва буни сайловчиларга тушунтириш керак.

*— "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан сайловга тайёргарлик юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?*

— Фонд томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар билан ҳамкорликда сайловни юқори савияда ташкил этиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўмаклашувчи комиссияларнинг самарали фаолият кўрсатиши, ишчи гуруҳларни шакллантириш, сайловни ўтказиш учун қулай жойларни белгилаш ҳамда уларда зарур шарт-шароитлар яратиш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда бўлажак сайловнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Мухтасар айтганда, бўлажак сайловда энг муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сифатида сайланиши юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда бекиёс аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда барчамизнинг фаол иштирок этишимиз, пировард натижада, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрнини янада мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

**ЎзА мухбири**
**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди.**



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

# Илғор ишбилармонлар аниқланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**ЖИЗЗАХ.** Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма театри биносида "Ташаббус — 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда тадбирнинг шаҳар ва туман босқичларида танлаб олинган 39 нафар тадбиркор, фермер ҳамда ҳунарманд қатнашди.

Якунда "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича Ғаллаорол туманидаги "Nargiza teks" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Икром Шомирзаев биринчи ўринни эгаллади. Зарбдор туманидаги "Акбар Шаҳзод" фермер хўжалиги раиси Суннатилла Каримов эса "Энг яхши фермер", Жиззах туманилик Бунёджон Зоиржонов "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича танловнинг республика босқичига чиқди.

**НАВОИЙ.** Кўрик-танловнинг вилоят босқичида салкам 30 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар томонидан ташкил этилган стендлар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ярмаркаси Навоий шаҳридаги Ёшлар маркази биносининг иккала қаватини ҳам эгаллади. Шу маънода, бу тадбир янги турдаги товарлар ҳамда хизматлар, инновацион технологияларнинг самараси бўлган бошқа хилдаги маҳсулотларнинг ҳақиқий намойишига айланди.

Танлов якунига кўра, Навбаҳор туманидаги "Heating Radiators" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Воҳиджон Файзиев "Энг яхши тадбиркор", Қизилтепа туманилик Жаҳонгир Тошпўлатов "Энг яхши ҳунарманд", шу тумандаги "Юлдуз" фермер хўжалиги раиси Карим Саидов "Энг яхши фермер" деб эълон қилинди.

**САМАРҚАНД.** "Ташаббус — 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичида туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган ишбилармонлар беллашди.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, Самарқанд шаҳридаги "Афросиёб жинси" МЧЖ раҳбари Баҳодир Имомов "Энг яхши тадбиркор", Пастдарғом туманидаги "Чорвадор, пахта ва ғалла даласи" фермер хўжалиги раиси Хуршид Жовбўриев "Энг яхши фермер", Самарқанд шаҳрилик кошинкор уста Икром Ҳалимов "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида биринчи ўринга сазовор бўлди.

**СИРДАРЁ**. Гулистон шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этган тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар изланувчан, янгиликка интилувчи ишбилармонлар эканлиги уларнинг маҳсулотлари кўргазмасида яққол намоён бўлди.

Тадбир якунида Гулистон туманидаги "Барлос" фермер хўжалиги раҳбари Алиқул Ҳайдаров "Энг яхши фермер", Янгиер шаҳридаги "Омад текс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фарҳод Азизов "Энг яхши тадбиркор", Гулистон шаҳрилик Мансурбек Ражабов "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Энди улар кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашади.

**СУРХОНДАРЁ.** "Ташаббус — 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичида 41 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўз ютуқларини намойиш этди.

Айтиш жоизки, жорий йилги кўрик-танловда фермерлар замон билан ҳамнафас бўлиб ишлаётганликларини яна бир карра исботлашди. Улар ушбу тадбирда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қаторида замонавий технологиялар ёрдамида қайта ишланган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан қатнашганлари бунинг тасдиғидир.

Воҳа ҳунармандлари — каштачилар, гиламдўзлар, кулоллар, тикувчилар, ёғочсозлару темирчилар қўлида жило топган буюмлар ҳам барчанинг эътиборини тортди.

Якунда "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича биринчи ўринга Ангор туманидаги "Талашқон инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Илҳом Эгамуратов лойиқ кўрилган бўлса, Шўрчи туманидаги "Нурмат Хўжақулов" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Хушбоқ Ишназаров "Энг яхши фермер", Бойсун туманилик якка тартибдаги тадбиркор Мафтуна Азизова "Энг яхши ҳунарманд" деб топилди.

**ФАРҒОНА.** Кўрик-танловнинг вилоят босқичида энг фаол ва ташаббускор тадбиркор, фермер ҳамда ҳунармандлар иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, тадбирнинг туман ва шаҳар босқичларида 911 нафар ишбилармон қатнашган бўлса, уларнинг 356 нафари тадбиркор, 247 нафари фермер, 308 нафари ҳунарманд эди. Улар орасидан эса 55 нафар ғолиб вилоят босқичига йўл олди.

Якунда Қўқон шаҳридаги "Европринт" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аюбхон Фозилов "Энг яхши тадбиркор", Қува туманидаги "Роҳатой" фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев "Энг яхши фермер", марғилонлик Мансур Мирзахонов "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича энг яхши натижага эришди.

**ҚАШҚАДАРЁ.** Қарши шаҳрида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида 41 нафар ишбилармон орасида Китоб туманидаги "Китоб мармар заводи" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ўткир Жўраев "Энг яхши тадбиркор", Косон туманидаги "Ғайбулла Баҳриев" фермер хўжалиги раиси Хайрулла Баҳриев "Энг яхши фермер", шаҳрисабзлик кулоллар сулоласи вакили Рустам Музаффаров "Энг яхши ҳунарманд" йўналишлари бўйича республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**


КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

XALQ BANKI

**Акциядорлик тижорат Халқ банки**

**«Омад лотто» лотереяси ўйини учун 2 та лототрон қурилмаси ҳамда унинг бутловчи қисмларини харид қилиш бўйича танлов муддати узайтирилганлигини билдиради.**

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий етказиб берувчилар, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар қатнашишлари мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органи манзили ҳамда телефони: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй. Телефонлар: (+99871) 120-17-24, 120-17-49. www.xb.uz E-mail: marketing@xb.uz
2. Тендер савдоси предмети — 2 та лототрон қурилмаси ва унинг бутловчи қисмларини етказиб бериш.
3. Тўлов шакли — аккредитив.
4. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ҳамда телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.
5. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 6 апрель куни Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

498R/130

HIKVISION smart

**Интеллектуальные IP-камеры для РАСПОЗНАВАНИЯ ЛИЦ**



- Оснащение пунктов пропуска на границе, в аэропортах и железнодорожных вокзалах.
- Системы доступа в помещения и зоны с ограниченным доступом.
- Динамичное распознавание человека в движущейся толпе.
- Ограничение доступа персон, занесенных в «черные» списки.
- Интеграция в системы «Безопасный город».



**Товар сертифицирован**

478R/12

**Тел. (0-371) 238-99-99. Факс (0-371) 237-29-77.**
**www.hikvisionsmart.uz info@hikvisionsmart.uz**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

2016 йил 25 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан 2015 йил 26 октябрдаги 793-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, И. Ҳайдаров номидаги ФХУ, Келовчи қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 411,12 кв.м.дан иборат бўлган ҳаммом биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 51 652 000 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Мирободтумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирободтумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.**

497A/225

Хизматлар лицензияланган.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Самарқанд вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-уйда жойлашган, «Samarqand» акциядорлик тижорат банкига тегишли, қурилиш ости майдони 1647,32 кв.м. бўлган маданият уйи, клуб ва гараж бинолари 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 956 299 857 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 11 апрель куни соат 11.00 да «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг аукцион залида ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 8 апрель куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига!

Ушбу кўчмас мулклар 2016 йил 11 апрелдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 28 апрель куни бўлиб ўтади.

2016 йил 28 апрелдаги савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 26 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй. Телефон: (0-366) 233-80-56. www.1kms.uz E-mail: rieltsavdo@inbox.uz**

499A/180

Хизматлар лицензияланган.

**«Universal auktsion invest» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**2016 йил 8 апрель куни соат 11.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

- компьютер кейсларини йиғиш учун мўлжалланган 1 дона конвейер линияси.

***Бошланғич баҳоси — 247 080 697 сўм.***

- Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 5 майдаги 7174/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 4 турдаги аралаштиргич ускуналар.

***Бошланғич баҳоси — 17 812 000 сўм.***

- Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 28 февралдаги 4034/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, лифт қуриш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар.

***Бошланғич баҳоси — 29 031 280 сўм.***

2016 йил 8 апрель куни соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 23 ноябрдаги 10-1508/21333-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Toyota Prado» русумли, давлат рақами 01 060 JBA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 112 500 000 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 ва 12.00 да тўхтатилади.

2016 йил 25 апрель куни соат 11.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 10 февралдаги 10-1304/21347-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Дўстлик қишлоғи, «Йўлдошвой» ҚФЙда сақланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «Sinotruck» русумли, носоз бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 75 240 000 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 22 апрель куни соат 11.30 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулклар ва автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Туронбанк» Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

496A/33

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва батафсил маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**

# ЭНГ СЕВИМЛИ, ЭНГ ГЎЗАЛ БАҲОР БАЙРАМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вилоятнинг барча шаҳар, туман, қишлоқ ҳамда маҳалласида яшариш ва янгиланиш айёми тадбирлари ўтказилди. Бош тантана Андижон шаҳрида жойлашган Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилди.

Файзли дастурхонлар ёзилган сўрилар, икки томонда “Андижон самоси” ҳамда дорбозларнинг томошалари, варраклар “парвози”, ҳайинчак учиш, полвонлар кураши, улкан мониторда акс этиб турган қадимий, миллий удумлар дилларга кўтаринкилик, жозиба, баҳорий кайфият бағишлади.

Вилоят ҳокими Ш. Абдураҳмонов барчани улуғ шодиёна билан қизғин қутлаб, самимий дил сўзларини изҳор қилди.

Андижон санъат коллежи, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари томонидан тайёрланган “Соғлом она бағрида биз беғубор болажонлар!” деб номланган композиция ижро этилди. Таниқли хонандалар, “Зарбулоқ” гуруҳи ва бошқа истеъдодли ёшлар ижросидаги Ватан, Наврўз, кўклам, гўзаллик, ёшлик, севги-муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқлар ҳамда куйга монанд рақслар қалбларга қувонч улашди.

Дилбар фаслнинг тантаналари Фарғона шаҳридаги Ёшлар маданият ва спорт марказида “Наврўзинг муборак, Ватан!” шиори остида бўлиб ўтди.

Халқимизнинг азалий қадриятлари, орзу ва интилишлари, баркамол авлод билан боғлиқ эзгу мақсадларини ўзида мужассам этган Наврўзи олам барчамиз энг орзиқиб кутадиган шодиёнадир. Президентимизнинг “2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори шарқона янги йилнинг бошланишини юксак савияда нишонлаш учун муносиб тараддуд кўришда муҳим дастуриламал бўлди. Ушбу ҳужжат ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар доирасида вилоят ҳудудида меҳр-оқибат, бирдамлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик муҳити янада мустаҳкамланди. Шаҳар ҳамда қишлоқлар кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларидан яшнади. Беморлар, ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олинди. Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмади.

Барака — тинчликда, тинчлигимиз эса дўстликда. Фарғонада бугун 50 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари фаровон ҳаёт кечирмоқда. Миллати, дини, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи, бугунги кундаги ҳаёти ва тақдиридан мамнунлиги байрам даврасидаги ҳамжиҳатлигида ҳам яққол намоён бўлди.

— Биз Наврўз айёмини орзиқиб кутамиз. Бу халқимизнинг умумий, катта тўйидир, — дейди корейс миллий маданий маркази фаоли Татьяна Ким. — Барчани гўзал айём билан чин юракдан қутлайман. Юртимиз осмони мусаффо, ҳаётимиз бундан-да, обод бўлсин!

Тантаналар вилоятнинг барча шаҳар ва туманида давом этмоқда.

Наврўз шодиёналари Наманган вилоятида ҳам ўзгача шукуҳ, дилларни қувонтирувчи томошалар билан нишонланди. Маҳаллалардан бошланган сайил меҳнат жамоалари, таълим муассасалари, хиёбонларга кўчди. Каттаю кичик — ҳамма бир-бирини дилдан қутлади. Айниқса, пиру бадавлат кексаларимизга кўрсатилаётган эҳтиромдан, миллий қадриятларимизнинг бардавомлигидан қувонасиз. Тўрақўрғон шаҳрининг Ибрат номли маҳалласида истиқомат қилувчи 118 ёшли Садияхон Иномова хонадони ҳам байрам куни чинакам тўйхонага айланди. Табаррук онахонни қутлаш учун келган невара, чевара, эвараларнинг сони 150 нафардан ортади.

— Сизларнинг камолингизни кўриб, яшариб кетгандек бўламан, — дейди момо уларни суйиб. — Илоҳим, дориламон кунларимизга кўз тегмасин, ҳар бир кунимиз Наврўз бўлсин!

Байрам кунлари бу сингари кўпни кўрган кексаларни йўқлаш учун улар хонадонига совғалар билан ташриф буюрган маҳалла, меҳнат жамоалари вакиллари нуронийларнинг дуосини олишди.

Наврўзнинг асосий тадбири вилоят марказидаги “Кичкинтойлар боғи”нинг ёзги томошагоҳида ташкил этилди. Унинг иштирокчилари таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар томонидан тайёрланган “Ўлкамизга хуш келдинг, Наврўз!” мавзуидаги театрлаштирилган бадиий дастур орқали қадимий ва навқирон айёмнинг ўзига хос қирралари акс эттирилган лавҳаларни мириқиб томоша қилдилар.

Наврўз кайфияти туман марказлари, қишлоқларни ҳам қамраб олди. Янги кун муносабати билан ёзилган тўкин дастурхон неъматлари, дошқозонларда қайнатилган ҳалим ва сумалакдан татиган, турли дастурлардан баҳра олган кишиларнинг кўнгли яйради.

Яшариш ва янгиланиш тимсоли — Наврўз Бухорода ҳам ўзгача завқу шавқ, шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Шаҳар ҳамда туманларда сайиллар уюштирилди. Миллий халқ ўйинлари, фольклор дасталарининг чиқишлари барчага байрам нафасини улашди.

— Бу йилги Наврўзнинг ташрифи хосиятли келмоқда, — дейди шофирконлик фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латипов. — Экин-тикин ишларига ҳам ҳар қачонгидан кўра барвақт киришмоқдамиз. Ҳақиқий деҳқон баҳори келди, десак асло муболағаси йўқ. Насиб этса, бу йил деҳқончиликка барака беради. Халқимиз ризқи янада бутун бўлади.

Байрам муносабати билан “Бухоро маданий маркази”даги амфитеатрда бўлиб ўтган тантанада вилоят ҳокими М. Эсанов сўзга чиқиб, барчани Наврўз билан қутлади. Шундан сўнг пойтахтдан ташриф буюрган ҳамда вилоят санъаткорлари иштирокида байрам дастури намойиш этилди. Унда миллий урф-одатлар, анъаналар тараннум этилди. “Ўзбекистон — умумий уйимиз” шиори остида ташкил этилган миллий-маданий марказларнинг кўргазмалари, фольклор дасталарининг концертлари, ҳунармандларнинг павильонлари шодиёна қатнашчиларида, жумладан, чет эллик сайёҳларда катта таассурот қолдирди.

Хоразмда ҳам тинчлик ва эзгулик рамзи — Наврўзи олам баҳорий кўтаринкилик ўзгача шодиёна билан қарши олинди. Байрам арафасида кенг кўламда бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Унга тайёргарлик кўриш мақсадида халқимизнинг меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, меҳнатсеварлик фазилатларини намоён этган умумхалқ ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди.

Хусусан, ҳашар кунлари 2 минг 775 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди, ариқ ва зовурлар тозаланиб, кўча ҳамда хиёбонлар тартибга келтирилди. Мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқазиш ишлари қизғин тус олди. Вилоят марказида туманлар ҳамда чекка қишлоқларда амалга оширилган яратувчанлик ишлари дилларда ифтихор уйғотди.

Урганч шаҳридаги “Авесто” боғ-мажмуасида бўлиб ўтган тантаналар халқимизнинг бой маънавий дунёсини, унинг қадриятларини тўлалигича акс эттиргани билан барчада катта таассурот уйғотди. Халқона куй-қўшиқлар, бадиий дасталарнинг чиқишлари йиғилганларга кўтаринкилик бағишлади. Байрам тадбирларида фаол қатнашган ёшлар ота-боболарининг анъаналарига садоқатини, юрт ободлиги йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар қилишга тайёр эканликларини намойиш этдилар.

Сурхондарё вилоятидаги тантаналар ҳам аҳолининг ҳамжиҳатлиги, аҳил ва иноқлиги, Наврўзни интиқлик билан кутаётганлигини яққол ифодалади. Байрам шодиёналарини жойларда янада жозибали ва қизиқарли ҳамда эсда қоларли даражада ўтказишга туман ҳокимликлари, маданият ва спорт ишлари бўлимлари томонидан астойдил тайёргарлик кўрилди. Жумладан, олис ҳудудлар — Узун, Сариосиё, Денов ва Бойсунда бўлиб ўтган шодиёналарда халқимизнинг уюшқоқлиги, Наврўзга бўлган меҳри янада ёрқин намоён бўлди.

Термиз шаҳридаги “Алпомиш” мажмуасида ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими Т. Мамараимов сўзга чиқиб, воҳаликларни ҳамда байрамга ташриф буюрган меҳмонларни қизғин муборакбод этди.

Жорий йилда вилоятда қишлоқ аҳолиси фаровонлигини таъминлаш мақсадида 1048 та намунавий лойиҳадаги турар-жой қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ўз навбатида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш ҳамда Термиз шаҳри қиёфасини замонавийлаштириш мақсадига қаратилган ишларга 2 триллион 928 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди, 2015 йилда 367 миллиард сўмлик маблағ ҳисобига 448 та объектда қурилиш ишлари бошланиб, 321 та иншоотдаги ишлар қисқа фурсатда сифатли ва тўлиқ якунланди.

...Саҳнага Кўкламой ва Наврўзойлар ташриф буюрди. Санъаткорларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари олқишлар билан кутиб олинди.

Кун билан тун тенглашадиган, одамларни, элларни бирлаштирадиган, жипслаштирадиган, яхшиликка, меҳр-оқибатга, эзгуликка чорлайдиган, ўз моҳиятига кўра, руҳий покланиш ва боқийлик инъикоси сифатида ҳар биримизнинг юрагимизга яқин, тилакларимизга ҳамоҳанг Наврўзи оламни қашқадарёликлар ҳам катта шодиёналар билан кутиб олишди. Байрам арафасида ҳаммаёқ саранжом-саришта қилинди, ҳашар уюштирилиб, боғ-роғлар яратилди. Савоб ва эзгуликка йўғрилган тадбирлар ташкил этилди. Тантаналарда турли халқ ўйинлари, сумалак сайиллари, лапару айтишувлар, айниқса, бебаҳо қадриятларимизга алоҳида урғу берилди.

Асосий тадбирлар Қарши шаҳри марказидаги амфитеатрда бўлиб ўтди. Байрам муносабати билан бу ердаги саҳна Наврўз ва баҳорни, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларни акс эттирувчи тасвирлар, паннолар билан безатилди.

“Ризқ-рўзим, қадриятим Наврўзим!”, деб номланган тадбирни вилоят ҳокими З. Рўзиев табрик сўзи билан очди.

Энг қадимий ҳамда ардоқли байрам — Наврўз уйғониш, яшариш ва янгиланиш, қизғин меҳнат ҳамда бунёдкорлик айёми сифатида юртимизда асрлар бўйи эъзозлаб келинаётир. Ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайр-саховат каби эзгу фазилатлар гавҳари сифатида бугунги кунда ҳам одамлар ўртасида кўтаринки руҳда нишонланаётган Наврўз истиқлол йилларида халқимизнинг маънавий юксалиш тимсолига айланди.

Байрам томошаларида Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги вилоят мусиқали драма театри, вилоят қўғирчоқ театри санъаткорлари, “Чарос” гуруҳи раққосалари, “Момогул”, “Насаф”, “Ойдиной”, “Занжирсарой”, “Ризвонгул” ва бошқа фольклор жамоалари ижросида кўклам, Ватан, муҳаббат, миллий қадриятларимиз мадҳига бағишланган ашула ва рақслар ижро этилди.

Самарқанд вилоятининг олис туманларидаги кенг яйловларда, қир-адирларда ҳамда қадимий шаҳарнинг истироҳат боғларида халқ сайли тарзида ташкил этилган ушбу қутлуғ сана барча-барчага чексиз қувонч бағишлади.

“Мўъжиза” амфитеатридаги тантаналарда вилоят ҳокими З. Мирзаев сўзга чиқиб, байрам муносабати билан соҳаларда эришилган ютуқларни эътироф этиб, йиғилганларни улуғ айём билан самимий қутлади. Вилоятдаги фольклор-этнографик ансамбллар, хушовоз хонандалар, рақс дасталари ҳамда пойтахтдан келган таниқли санъаткорлар иштирокида она-Ватан, тинчлик, Наврўзни улуғловчи куй-қўшиқлар янграб, рақслар ижро этилди. Тантаналар жойларда қизғин давом этаяпти.

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Навоий шаҳридаги амфитеатр мажмуасида турли бадиий жамоалар, эстрада хонандалари томонидан ташкил қилинган театрлаштирилган байрам сайли кенг жамоатчилик вакилларига шодлик улашди. Тадбирда вилоят ҳокими Э. Турдимов барчани шарқона янги йилнинг бошланиши билан муборакбод этди.

Санъат усталари ва хонандалар ижросида Ватанни, тинчликни, Наврўзни, бобо деҳқону она-заминни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янграганда диллар истиқлол шукуҳидан ғурурланди. Байрам дастуридаги Соғлом она ва бола йилига бағишланган лавҳаларда мамлакатимизда аёлларга, хотин-қизларга эҳтиром кўрсатилаётгани, баркамол авлод тарбиясига нечоғлиқ катта эътибор қаратилаётгани ўзига хос кўринишда талқин қилинди.

Наврўзи олам бу йил Жиззах вилоятига ўзгача тароват билан кириб келди. Шу туфайли белни маҳкам боғлаган воҳа аҳли деҳқончилик ишларига одатдагидан анча эрта киришди. Тантаналари олис Фориш қирларида бошланиб, Зоминнинг пурвиқор тоғлари бағрида, Наврўзбулоқда, Мирзачўл кенгликларию Бахмал боғларида, Ғаллаоролнинг бири-бирига туташ адирларида, Учтепа яқинидаги “Отчопар”да давом этиб, унинг тароватини бутун вилоят бўйлаб ёйилдики, бундан барча шод бўлди.

Жиззах шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тантаналар ҳам унинг иштирокчилари ва кўп сонли меҳмонлар қалбида узоқ вақт сақланиб қолиши, шубҳасиз. Чунки эрталабданоқ карнай-сурнай садолари жиззахликларни Наврўз сайлига чорлаб, асрлар давомида шаклланиб, бойитиб келинаётган миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга ҳурмат ва эътибор, табаррук заминимизда яшаётган барча халқларнинг дўстона муносабатларини ёшлар онгига сингдириш, Наврўзнинг мазмун-моҳиятини омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, барчага хушкайфият улашиш байрам ташкилотчиларининг асосий мақсади эканлиги тадбир давомида яққол сезилиб турди.

Вилоят ҳокими С. Исмоилов ҳаммани баҳор байрами билан қутлади. Шўх яллалар, дилрабо куй-қўшиқлар, жозибали рақсларда, болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари, санъаткорлар, вилоятдаги “Зебомхон”, “Гаштак”, “Тоғ шалоласи”, “Зомин сайқали”, “Тўғизкўз”, “Ойпари”, “Мерос” каби фольклор-этнографик жамоаларининг ўзига хос чиқишларида, томошаларда Наврўз оҳанрабоси яққол билиниб турди.

Наврўз тантаналари Сирдарё вилоятининг барча ҳудудида шоду хуррамликда бўлиб ўтди. Мустақиллик, тинчлик, осойишталик, ободлик, бунёдкорлик, фаровонлик тараннуми ўз ифодасини топган Гулистон шаҳридаги “Анҳор” мажмуасида ташкил этилган байрам тадбири эса иштирокчиларга олам-олам завқ-шавқ улашди.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими О. Ашурматов иштирок этди.

Неча минг йиллик қадриятларимизни ўзида мужассамлаштирган Наврўз байрамини Тошкент вилояти аҳли ҳам катта хурсандчилик билан қарши олди. Шодиёна арафасида маҳаллалар, кўча ҳамда тураржойлар атрофини ободонлаштириш эзгу анъанага айланди. Ушбу хайрли амаллар изчил давом эттирилиб, юртимизда умумхалқ ҳашари ўтказилди. Мазкур тадбир доирасида вилоятда 6300 гектар майдон ободонлаштирилди. Натижада, шу кунгача экилган мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари қарийб 5 миллион донага етди.

Юқори Чирчиқ туманидаги “Дўстлик” мажмуида бўлиб ўтган байрамнинг асосий тантаналарида иштирокчиларни вилоят ҳокими С. Абдуллаев муборакбод этди.

Саҳнада халқимизнинг ўзига хос фазилатларини тараннум этувчи миллий маросимлар намойиш қилинди, қўшиқлар янгради. Санъат усталари, эстрада хонандалари ҳамда ёш истеъдодларнинг она-юрт, истиқлол, Наврўз, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари иштирокчиларни тўлқинлантирди.

Тўю томошалар вилоятнинг шаҳар ва туманларида, қишлоқ ҳамда маҳаллаларида, меҳнат жамоаларида давом этмоқда.

Бинобарин, Наврўз шукуҳи юртимизнинг шаҳару қишлоқларига, дала ва яйловларига ажиб кўрк бағишламоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**





Хурсандбек АРАБЬОЕВ олган суратлар.

# Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



## Анъаналар давом этади

**Кўргазма**

Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида “Мовий Бухоро кулоллиги” деб номланган кўргазма давом этмоқда.

Юртимизда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент ва Фарғона кулоллик мактаблари бўлиб, улар бадиий безатиш усули, шакли ҳамда тайёрланишига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, Бухоро кулоллигига хос буюмларда мовий, яшил, сарғиш ва жигарранг бўёқлар муҳим ўрин тутади.

Кўргазмада бухоролик ҳунарманд Абдувоҳид Каримовнинг IX-X асрларга хос Афросиёб кулоллигини тиклаш борасида олиб борган изланишлари натижалари, шунингдек, анъанавийлик ва замонавийликни боғловчи композициялари ҳам намойиш қилинмоқда.

**Моҳира АДИЗОВА.**

## Жамғарманинг янги биноси

**Қулайлик**

Иштихон тумани марказида Наврўз шукуҳи давом этаётган кунларда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Уни “Иштихон тараққиёт қурилиш” масъулияти чекланган жамияти жамоаси қисқа муддатда барпо этди. Бунинг учун 921 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. У ерда жамғарма ходимлари ҳамда бу ерга ташриф буюрувчилар учун барча қулайлик яратилган.

Вилоятда яшариш ва янгиланиш айёми қувончларига ҳамоҳанг тарзда яна 100 га яқин иншоот ишга туширилмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Бахмал боғлари кенгаймоқда

**Ободлик**

Бахмал туманидаги “Бахмал АРК боғлари” хусусий корхонаси жамоаси ташаббуси билан янги боғ барпо этилди.

Аниқроғи, шу пайтгача фойдаланилмай турган қир-адирликдан 12 гектар ер ўзлаштирилиб, 10 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

— Бу билан боғларимизнинг умумий майдони 29 гектарга етди, — дейди корхона раҳбари Рустам Ғайбуллаев. — Янги жойда олма, олхўри ва нок кўчатлари парваришланаяпти. Улар ҳам ҳосилга киргач, табиийки, даромадимиз янада ортади.

Эндиликда “Бахмал АРК боғлари” жамоаси мазкур ҳудудда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишни режалаштирмоқда.

Айни пайтда Жиззах вилоятида мавжуд боғларнинг умумий майдони 13,5 минг гектарга тенг.

**Тожиддин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Олимпиадага яна битта йўлланма

**Спорт**

Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Дилшод Турдиев Қозоғистонда ташкил этилган Осиё саралаш турнирида қатнашиб, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида жорий йил август ойида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада мусобақаларига йўлланмани қўлга киритди.

У 75 килограммгача вазн тоифасида чорак финалда япониялик Шохеи Ябукуни, ярим финалда қирғизистонлик Отабек Азисбековни ортда қолдирди. Жанубий кореялик Хёнву Кимга қарши кечган финал баҳсида унга бир оз омад етишмади.

Ўтган йили АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эркин кураш йўналишида Ихтиёр Наврўзов ва юнон-рум кураши бўйича Рустам Ассакалов ҳам XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган эди.

**М. ҚОСИМОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 348 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6